

ЯКУН

# ПАЛАТА ТАЯНЧ БЎЛА ОЛЯПТИМИ?

*Ислоҳотлар тақдири, охир-оқибатда эса — кишиларимиз фаровонлиги ва мамлакатимизнинг гуллаб-яшнаши кичик ва ўрта бизнес тараққиёти орқали ҳал қилинади.*

**Ислом КАРИМОВ.**

## Армонларнинг ушалиши

Ўтган асрнинг 80-йилларида «Юнусобод» даҳасида Маҳмуд ака исмли қўли гул уста яшарди. У кундузи қурилиш ташкилотида ишлар, кеч оқшомдан ярим тунга қадар уйда укаси билан ажойиб эшик ва деразалар ясаб, якшанба куни бозорга олиб чиқиб сотарди. Бу ишни ака-ука, албатта, яширинча амалга оширардилар. Сабаби — шўролар тузуми даврида одамларнинг эркин меҳнат билан шуғулланишлари қатъий чеклаб қўйилган эди.

Бечора Маҳмуд ака умр бўйи хусусий корхона очиш, ўзига муносиб шогирдлар тайёрлашни орзу қилиб ўтди. Бироқ ҳозирги ёруғ кунларни кўриш унга насиб этмади...

Бугун-чи? Минглаб тадбиркорлар ва ишбилармонлар — ҳақиқий мулк эгалари тимсолида Маҳмуд акага ўхшаган усталару ҳунармандларнинг орзулари ижобат топмоқда.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш устувор йўналиш қилиб белгиланди. Нима учун? Чунки бундай хўжалик юритувчи субъектлар иқтисодиётимизнинг асоси бўлиб, бирталай афзалликларга эга. Дейлик, аввало, кўп маблағ ва ишчи кучи сарфламасдан, қисқа муддатда, хоҳлаган жойда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин. Кейин улар ўзгарувчан бозор конъюктурасига тез мослаша олади. Меҳнат ресурслари бўйича янги иш жойларни ташкил этиш, истеъмол бозорини турли рақобатбардош ва арзон товарлар (хизматлар) билан таъминлашга қодирдир. Қолаверса, ана шу тузилмалар локализация дастурини амалга ошириш (маҳаллий хомашё ҳисобига ишлаб чиқаришни ривожлантириш)да муҳим омил ҳисобланади.

Шу боис ушбу секторни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида республикамизда мустаҳкам иқтисодий ва ҳуқуқий асос яратилди. Бир қанча қонунлар, Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар қабул қилингани, «Солиқ кодекси»да кичик бизнесга имтиёзлар берилгани, бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан кредитлар ажратиш тартиби ўрнатилгани, бозор инфратузилмаси вужудга келтирилгани, ниҳоят, уларнинг фаолиятига бевосита кўмаклашувчи «Бизнес-фонд», «Тадбиркорбанк», «Мадад» суғурта агентлиги, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ташкил этилгани фикримизнинг далилидир.

Айниқса, бу борада Президентимизнинг 1998 йил 9 апрелдаги «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 21 апрелдаги «Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори муҳим қадам бўлди. Мазкур ҳужжатларга мувофиқ, «Бизнес-фонд», «Мадад» суғурта агентлиги, «Тадбиркорбанк» томонидан кичик ва ўрта бизнес корхоналарини қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган тадбирларни мувофиқлаштириш вазифаси ҳам Палата зиммасига юклатилди. Бошқача айтганда, Палатанинг вазифалари ва фаолият йўналишлари кенгайтирилди. Бу ўз навбатида хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес асосида мулкдорлар синфини шакллантириш, тегишли институтлар тизимини ташкил этиш, соҳага кредит ресурсларини кенг жалб қилиш, хорижий сармояларни бевосита олиб кириш учун мақбул шароит яратиш имконини берди.

## Ҳаётий вазифалар

Юқорида номлари қайд этилган ҳужжатлар, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 майдаги «Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорида Палата зиммасига кўпгина вазифалар юкланган. Кичик ва ўрта бизнес корхоналарини ривожлантириш учун хорижий сармояларни жалб этиш бўйича фаолиятни йўлга қўйиш, бу жараённинг барча босқичларида сармоялар, шу жумладан, чет эл кредитлари лойиҳалари самарадорлигининг мониторингини ўтказишдек ҳаётий вазифалар шулар сирасига киради. Мазкур талаблардан келиб чиқиб, Палатанинг бошқарма ва бўлимлари мутахассислари барча тижорат банклари, бюджетдан ташқари жамғармалар, инжиниринг компаниялари ва бозор инфратузилмасининг бошқа ташкилотлари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқдалар. Айни чоғда улар кичик ва ўрта бизнес субъектларига тижорат банкларидан кредит олиш учун ҳужжатлар тўпламини тайёрлаш, бизнес-режа тузиш, техник-иқтисодий асосларни ишлаб чиқишда ҳам ёрдам бераяптилар.

Хўш, бу борадаги ишлар ҳамма жойда қониқарлими? Умуман, тадбиркорларнинг ҳақиқий таянчи бўлишдек масъулиятли вазифани Палата қай даражада бажармоқда?

Холисона ёндашганда, кичик ва ўрта бизнес субъектларини инвестиция лойиҳалари билан таништириш ҳамда таъминлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар ёмон эмас. Масалан, 2001 йилда 2554,2 миллион сўмлик 884 та лойиҳа, 374,0 минг АҚШ доллари ҳамда 1,7 минг немис маркаси миқдоридаги 38 та лойиҳа бевосита Палата тавсияси ва кўмаги билан кичик ва ўрта бизнесга йўналтирилди. Масалан, Қашқадарё вилоятида, мутасаддиларнинг гапига қараганда, ўрта ва кичик корхоналар сони кўпайган. Ўтган йили 3473 та ўрта ва кичик корхона очилган. Бу дастурда белгиланганига нисбатан 213 фоизни ташкил қилади. Бундан ташқари, вилоят товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасига 17591 та субъект аъзо бўлиб, улар фаол ишламоқдалар.

Бу ерда, шунингдек, анор шарбати ишлаб чиқариш, полиэтилен қоплар тайёрлаш, томат пастасини қадоқлаш, Италия технологияси асосида терини қайта ишлаш ва германияликлар усулида музқаймоқ яратиш бўйича ҳам инвестиция лойиҳалари тайёрланган. Жумладан, «Ҳунарманд» уюшмасининг Шаҳрисабз минтақавий бўлимига 50 минг АҚШ доллари миқдорида грант ажратилган.

Палатага ҳуқуқий томондан қўллаб-қувватлашни сўраб ёзилган мурожаатлар сони ҳам ортмоқда. Мутахассислар аралашгандан кейин эса аксарият муаммолар жойида ҳал этилаётир. Мисол учун, Ургут туманидаги Мирзо Улуғбек номли ширкат хўжалиги билан хусусий тадбиркор Б.Ҳайдаров ўртасида икки томонлама шартнома тузилган эди. Аммо хўжалик шартнома шартларини бажармай, тадбиркорга катта миқдорда моддий зиён етказади. Б.Ҳайдаровнинг аризаси Палата томонидан вилоят хўжалик судига киритилгач, унинг даъвоси қаноатлантирилди.

## Қонун тадбиркор тарафида

Шу билан бирга, тадбиркорлар қанча ҳимояланмасин уларга нисбатан ўтган йили 300 мингдан зиёд қонун бузилиши содир этилгани ачинарлидир. Хусусан, пойтахтдаги Мирзо Улуғбек туман давлат солиқ инспекцияси ходими «Автосанкомплект» акциядорлик жамиятини текшириш чоғида номақбул мақсадларни кўзлаб, қонунга зид равишда жамиятга нисбатан 70 минг сўмлик жаримани қўллайди. Кўр-кўрона қонунбузилиш содир этганлиги учун солиқ ходими И.Рустамов хизмат вазифасидан озод қилинди.

Фарғона вилоятининг айрим туман (шаҳар) товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари томонидан эса «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонун талабларига зид равишда шартномалар тузиш ҳолларига йўл қўйилаётганидан, «Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси тўғрисида»ги Қонун ҳамда палата Низомида белгиланган ваколатлардан четга чиқиб, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига кўмаклашиш ўрнига улар учун муайян қийинчиликлар содир этилаётганидан ажабландик. Ахир, бундай бўлиши мумкинми?

Фарғона тумани товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси билан тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўтган йил давомида тузилган аксарият шартномаларнинг вақти кўрсатилмаган. Унинг 10 таси тадбиркорлик субъектлари томонидан имзоланмаган. 12 тасида эса банк реквизитлари кўрсатилмаган.

Бундан ташқари, айрим палаталар тадбиркордан аъзолик бадалини ундириш пайида бўлиб, қонунбузарликни келтириб чиқараяптилар. Худди шундай ҳол Марғилонда содир бўлди. Шаҳар палатаси билан «Парвина» фирмаси ўртасида аъзолик бадалини тўлаш тўғрисида шартнома имзоланади. Шартномада фирма ҳар чорак якуни бўйича вақтида аъзолик бадалини ҳисоб-китоб қилмаса, фирманинг банкдаги ҳисоб рақамига инкасса топшириғи қўйиш орқали ундирилиши асоссиз равишда белгиланган.

«Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонун ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизоми тўғрисида»ги қарори талабларига зид равишда тадбиркорлар томонидан тушган ариза ва мурожаатларни кўриб чиқишда ҳам камчиликлар бор.

Фарғона туман палатасига Чимён қишлоғи, У.Мадаминов кўчасида яшовчи фуқаро Г.Машарипов милиция таянч пункти профилактика нозири ҳаракатидан норози бўлиб мурожаат қилган. Ариза палата юристи З.Мирзаахмедовга «қонуний ҳал қилиш учун» берилган ва орадан 44 кун ўтган бўлса-да, у эътиборсиз қолдирилган. Худди шунингдек, Қувасой шаҳар палатасига «Наврўз консалтинг» хусусий кичик корхонаси бошлиғи Р.Йўлдошалиев мурожаат қилади. Бироқ у ҳам 42 кун давомида мазмунан кўриб чиқилмаган ва муаллифга жавоб берилмаган.

Вилоятнинг туман (шаҳар) палаталари тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ўз ҳуқуқ ва ваколатларидан етарли даражада фойдаланилмаётгани ҳам маълум бўлди. Жумладан, Фарғона, Охунбобоев, Учкўприк, Бешариқ туманларида палата ўз низомидан келиб чиқиб, ўтган йил давомида бирорта ҳам тадбиркорлик субъектининг бузилган ҳуқуқларини тиклашга ёки уларнинг муаммолари бўйича тегишли амалий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатмаганига нима дейсиз? Ёки Охунбобоев, Учкўприк туман палаталари 2001 йил давомида тадбиркорлик субъектларида назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ўтказилган текширишларнинг бирортасида ҳам иштирок этмагани билан муроса қилиб бўладими?

Самарқанд вилоят адлия бошқармасига Самарқанддаги «Якико» фирмаси томонидан шикоят аризаси тушди. Унда тадбиркорга «Тадбиркорбанк»нинг вилоят бошқармасидан тегишли кредит маблағининг тўлиқ берилмаганлиги, олинган маблағни қайтариш эса муддатидан олдин сўралганлиги айтилганди.

Кредит шартномасида иссиқхона қуриш учун 13 миллион сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилган. Амалда эса банк мижознинг талабини тўлиқ қондирмаган. 2000 йилнинг январь ойида тадбиркорга банк томонидан 5 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилган, холос.

Адлия бошқармаси ана шу шикоят юзасидан «Тадбиркорбанк»нинг вилоят бошқармаси томонидан қуйидагича жавоб олди:

— «Якико» фирмаси билан банк ўртасида 1999 йил 13 августда кредит шартномаси тузилган. Унга кўра иссиқхона қурилиши учун 13 миллион сўм (йиллик 14,4 фоиз билан) ажратилиши белгиланган. Аммо республика акциядорлик-тижорат «Тадбиркорбанк»и 5 миллион сўм маблағ ажратган. Сабаблари ноаниқ. Чунки маблағ ажратиш тўғрисидаги комиссия қарори ва республика «Бизнес-фонди» билан тузилган шартномалар мавжуд эмас. Шу боис ушбу масалани банкимиздаги мавжуд ҳужжатлар билан мазмунан ҳал этиб бўлмайди.

Адлия бошқармаси вазиятни ўрганиб чиқиб, томонлар ўртасидаги кредитга оид муносабатларни тартибга солувчи ҳужжат — кредит шартномасининг 5 йил муддатга тузилганлигини, бизнес-режанинг 8-бандига кўра берилган кредит ва унинг фоизлари 2 йиллик имтиёзли давр билан қайтарилишини, шартнома муддати, суммаси ва бошқа шартларининг ўзгартирилиши икки томонлама қўшимча келишувга асосан амалга оширилиши белгиланганини аниқлади. Банк томонидан эса асоссиз равишда кредит фоизларини муддатидан олдин қайтариш тўғрисида бир томонлама жадвал ишлаб чиқилган эди. Пировардида адлия бошқармаси банкка «Кредит линияси бўйича берилган кредитни қайтариш жадвали ижросини ҳаракатдан тўхтатиш тўғрисида» ёзма кўрсатма киритди. Шу тариқа тадбиркор манфаати ҳимоя қилинди.

Хусусий тадбиркор А.Янгибоев тегишли гувоҳномасини олгач, ўтган йилнинг январь ойида «Тадбиркорбанк»нинг Ғаллаорол тумани, кейинроқ вилоят бўлимига 1,5 миллион имтиёзли кредит олиш мақсадида мурожаат этди. Аммо кредит маблағи йўқ, деган жавобни олгач, май ойида «Ғаллабанк»нинг вилоят бўлимига учрайди. 4 июль куни ариза ҳам беради. Лекин унга «сизга вақтинча имтиёзли кредит ажрата олмаймиз», деган мазмунда жавоб қайтаришади. Масала ҳалигача ижобий ҳал этилмай қолаяпти.

Форишлик С.Муҳитдинов ўтган йили тумандаги «Пахтабанк» бўлимига кредит олиш ҳақида мурожаат этганди. Тумандаги мутасаддилар, хусусан товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси хусусий тадбиркорга амалий ёрдам кўрсата олмагач, у юқори ташкилотларга, маъмурий идораларга мурожаат этишга мажбур бўлаётир.

Афсуски, худди шундай ҳол 2001 йилда ғаллаороллик хусусий тадбиркор Норбой Ишмуродов фаолиятида ҳам содир бўлади. У тумандаги «Тадбиркорбанк»дан зарур мадад ололмагач, юқори ташкилотларга ариза-шикоят ёзиб юрибди.

Бундай ўзибўларчилик, оввورагарчиликлар оқибатида Жиззах вилояти товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасига, унинг ёрдамига ишонч ўз-ўзидан дарз кетди. Шунинг учун яқинда палата раҳбарлари, вилоятдаги бир қатор банк бошқаруви раислари алмаштирилди.

Бундан ташқари, Навоий вилоятининг Қизилтепа, Конимех, Хатирчи, Нурота туманлари, Навоий шаҳар товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари томонидан фуқаролар, тадбиркорлардан келиб тушадиган ариза, хатларни қабул қилиш дафтари юритилмаган. Хатлар назоратсиз қолдирилган.

Навбаҳор тумани палатаси раҳбарлари эса ўтган йил 21 июлда «Гўзал» хусусий фирмасининг раҳбари томонидан футбол федерациясидан 128.000 сўмлик дебиторлик қарзини ундириб бериш юзасидан ёзилган аризага совуққонлик билан муносабатда бўлиб, «амалий ёрдам кўрсатилди» деб белги қўйиш билан чекланишган. Энг ёмони, палата ўз аъзоларининг хўжалик ва молия фаолиятини текширишда йил давомида фақат бир марта қатнашган. Ахборот-маслаҳат марказида амалдаги тартибга зид равишда нархлар белгиланган. Ўтган 4 йил давомида бор-йўғи 31 минг сўмлик пуллик хизмат кўрсатганига ачинади киши.

## Ташвишга — бегона, даромадга — шерик

Кўриниб турибдики, Палата тизимида эришилган ютуқлар билан бир қаторда ечимини кутаётган муаммолар ҳам мавжуд. Айниқса, юқорида айтганимиздек, айрим ҳолларда маҳаллий ҳокимликлар ва бошқарув органлари тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик ишларига асоссиз аралашмоқдалар. Ҳатто уларнинг маблағларини турли тадбирларни ўтказишга жалб қилмоқдалар. Гоҳида эса кичик корхоналарнинг соҳиблари рўйхатдан ўтиш, кредит олишдан бошлаб ўзининг бизнес даромадига эга бўлгунгача жараёнларда бир талай бюрократик тўсиқларга дуч келмоқдалар. Гарчи аччиқ бўлса-да, шуни айтиш керакки, бундай муаммоларнинг юзага келишига нафақат маҳаллий амалдорларнинг уларга нисбатан лоқайдлик билан муносабатда бўлишлари, балки тадбиркорларнинг кўпчилиги ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билмаслиги, ажратилган кредитдан мақсадли фойдаланиш, бизнес-режа тузиш, маркетинг хизматидан фойдаланишни ўзлаштириб олмагани ҳам сабаб бўлаяпти.

Бундан ташқари, хўжалик субъектларини рўйхатга олишнинг ягона тизими ишлаб чиқилмаган. Кредит манбаларини ишлатишдаги қийинчиликлар, шаҳар ва туманларда кичик ва ўрта бизнес соҳасида малакали кадрларнинг етишмаслиги, ҳудудларда бозор инфратузилмасининг етарли даражада ривожланмагани ҳануз ўз таъсирини ўтказмоқда.

Бир сўз билан айтганда, бугунги кунда Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси кичик ва ўрта, хусусий бизнес билан шуғулланаётган юртдошларимизнинг ҳақиқий таянчи, яқин ҳамкорига айланган, деб айта олмаймиз. Ҳозирча уларнинг фаолиятини «Ташвишга — бегона, даромадга — шерик» дея баҳоласак, ҳақиқатга тўғри келади. Ҳақиқий таянч, яқин ҳамкор бўлишдек мавқега эришиш учун палата ва унинг бўлинмалари ҳали кўп изланиши, фидойилик кўрсатиши лозим.

**Қ. ЭШМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

# Келажагимизнинг ҳуқуқий пойдевори

Аслида референдумга қўйилган ҳар икки масала юзасидан парламент ўзига берилган ваколатлар доирасида тегишли қарор қабул қилиши ҳам мумкин эди. Лекин, асосий қонунимизда таъкидланганидек, мамлакатимизда ҳокимиятнинг бирдан-бир манбаи халқ экан, давлат миқёсидаги муҳим масалалар халқнинг бевосита иштироки, маслаҳати ва розилиги билангина ҳал қилинади. Бу ҳам демократик қадриятларнинг жамиятимиз ҳаётига тобора сингиб бораётганини билдиради. Зеро, Президентимиз ибораси билан айтганда, ҳар қандай жамиятда демократия даражаси «...халқнинг қарорлар қабул қилиш жараёнларидан қанчалик хабардорлиги, ҳукумат қарорлари халқ томонидан қанчалик назорат қилиниши, оддий фуқароларнинг давлатни бошқаришда қанчалик иштирок этиши» билан белгиланади.

Соҳибқирон Амир Темур ҳам ўз «Тузуклар»ида давлат ишларини бошқаришда раият билан машварат ва кенгашлар ўтказиб тургани, халқ ҳолидан бохабар бўлиб боргани ва бу ҳаракатлар давлат бошқарувида фақат ижобий самара бергани тўғрисида фикр юритган.

Ўтказилган референдум халқ билан очиқ маслаҳат қилиб олиш ва унинг овози, фикрига суяниб иш кўриш учун яна бир имконият яратди. Собиқ шўролар тузумида коммунистик мафкуранинг таъсирида бўлган халқ, мафкуранинг қулига айлантирилган бўлиб, сиёсий жараёнларда номига қонунларда белгилаб қўйилган сайлов (овоз бериш) ҳуқуқини мафкура хоҳлагандай тарзда амалга оширишга мажбур эди. У даврда муҳим масалаларни амалда умумхалқ овози орқали ҳал этиш, халқ билан маслаҳатлашиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди.

Референдум каби муҳим тадбирлар сиёсий ва ҳуқуқий онги юқори даражада бўлган, ўз келажаги учун бефарқ бўлмаган халқ томонидангина амалга оширилиши мумкин. Шу маънода, мамлакатимизда ўтказилган бу референдум давлатчилигимизнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш ва ислоҳотларнинг навбатдаги босқичини амалга ошириш учун мустаҳкам замин яратишга хизмат қилади.

Мамлакатимизда сиёсий вазиятнинг барқарорлиги, тегишли қонунчилик асосларининг ишлаб чиқилгани, тўплаган тажрибаларимиз, замонавий фикрлайдиган кадрларнинг шаклланганi, кўп партиявийлик тизимининг мавжудлиги икки палатали парламентга ўтиш учун тўла имконият беради.

Ҳозирги парламентимиз, сиёсий партияларимиз, олимларимиз олдида муҳим вазифалар турибди. Парламентаризм соҳасидаги жаҳон тажрибаси яна бир бор пухта ўрганилиши ва ўз шарт-шароитимиз, миллийлигимиздан келиб чиқиб, халқимизнинг руҳияти ва табиатига мос келадиган қонунчилик асослари яратилиши лозим. Янги кўринишдаги парламентнинг шаклланиши, таркиб топиши, ваколатлари, ҳокимият бўғинларининг ўзаро муносабати қандай бўлиши, депутатларнинг таркиби, мақоми, ваколат муддатлари, парламентнинг иш тартиби ва шунга ўхшаш масалалар бўйича таклифлар, илмий-назарий хулосалар, тавсиялар ишлаб чиқилиши лозим.

Ўтказилган референдум давлат ҳокимияти ҳар учала бўғини тизимидаги барча органлар ва идоралардан ўз фаолияти самарадорлигини янада оширишни, икки палатали парламент шароитида ишни қай даражада ташкил этиш масаласини атрофлича кўриб чиқишни тақозо қилади.

Келгусида халқ тақдирига дахлдор бўлган бундай тадбирларни муваффақиятли ўтказиш Марказий сайлов комиссияси, жойлардаги сайлов округлари ва участкалари ишига ҳам боғлиқдир. Ўтказилган референдум тажрибаси ва сабоқларидан келиб чиқиб, Марказий сайлов комиссияси ўз фаолиятига танқидий ёндашиш, сайловлар ва референдумга доир қонунчиликни янада такомиллаштириш юзасидан ўз таклифларини киритиш имкониятларига ҳам эга бўлди.

Умуман олганда, шу йилнинг 27 январида бўлиб ўтган референдум натижасида халқ хоҳиш-иродасини қонунларда акс эттириш, давлат ҳокимият органлари тизимларини шакллантириш, ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш учун барча имконият мавжудлиги яққол намоён бўлди.

Шу нуқтаи назардан ҳам биз учун референдумда қабул қилинган қарорнинг аҳамияти тарихий бўлиб қолади.

**Н. ИСМОИЛОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Қонунчилик ва суд ҳокимияти органлари билан алоқалар бўйича экспертлар гуруҳи раҳбари.**

*Қонун лойиҳаси — муҳокамада*

# ТАКОМИЛЛАШУВ
## мақсадни тўлиқ ифода этади

«Кредит уюшмалари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ўқиб, уни яна бироз такомиллаштириш зарурлигини ҳис этдим. Ва бу ҳақда ўз таклифларимни баён этишни лозим топдим. Жумладан, лойиҳанинг 3-моддасидаги «Кредит уюшмаси жисмоний ва юридик шахслар томонидан пул маблағларини кейинчалик ўз аъзоларига кредитлар бериш учун бирлаштириш ва ҳоказо...» дейилган таърифдаги «кейинчалик ўз аъзоларига» сўзларини олиб ташлаш мақсадга мувофиқ. Чунки ушбу уюшманинг маблағи кўпайиб кетадиган бўлса, у бошқа юридик ва жисмоний шахсларга кредит бериши, уюшма номидан инвестиция қўйиши, қўшма корхоналар очиш каби ишларни бажариши мумкин. Шу боис унинг фаолиятини чегаралаб қўймаган маъқул.

Шу модданинг учинчи бандида ва кейинги матнларда «Кредит уюшмаси ўзининг фирма номи...» деб бошланган жумлалар бор. Менимча, улардаги «фирма» сўзи ортиқча.

Тўртинчи модданинг охирги бандида «давлат рўйхатига олганлик учун йиғим миқдори қонун ҳужжатларида белгиланади», деб кўрсатилган. Агар ушбу жумла «давлат рўйхатга олганлиги учун йиғим беш, ўн ёки йигирма минимал иш ҳақи миқдорида белгиланади», шаклида ўзгартирилса, қонун талаблари тўлиқ ифода этилган бўларди.

10-моддадаги кредит уюшмасининг ҳуқуқлари таркибига «ҳомийлик қилиш ҳуқуқига ҳам эга» дейилган сўзларни киритиш лозим. 4-моддада кредит уюшмаси таъсисчиларининг сони камида 50 киши бўлиши кўзда тутилган. Фикримизча, унинг минимал миқдори 25-30 та бўлса етарли.

15-модданинг 2-бандида Низом фондининг энг кам миқдори аниқ кўрсатилишини ва унинг давомидан «Кредит уюшмасини давлат рўйхатидан ўтказиш пайтида Низом фонди тўлиқ шаклланган бўлиши керак», деб ёзиб қўйилишини тавсия этардим. Ушбу таклифлар инобатга олинса, лойиҳа янада такомиллашарди, деган фикрдаман.

**Мамаюнус ПАРДАЕВ,**
**республика «Маънавият ва маърифат» марказининг Самарқанд вилоят бўлими раҳбари.**

# Соф фойда янада кўпаяди



*Муртоз Бўтаев бундан олти йил аввал Дўстлик туманидаги Саркисов номли ижара-ширкатлар бирлашмасидан 64 гектар ер олиб, «Эшниёз бобо» фермер хўжалигини ташкил этган эди. У ўшандан буён мавжуд майдондан мўл пахта ва ғалла етиштириб келмоқда. Ўтган йили эса жами 3 миллион сўмдан зиёд соф фойда олди. Жорий йилда бу кўрсаткич янада ортиши мумкин. Чунки фермер гектар ҳисобига 32 центнердан пахта, 45 центнердан дон хирмони уймоқчи. Шу мақсадда хўжалик аъзолари қишки юмушларни оби-тобида ўтказиб, ерни экишга сифатли ҳозирламоқдалар.*

**СУРАТДА: фермер хўжалиги раҳбари Муртоз Бўтаев механизатор Абдуғани Азимов билан галдаги ишлар хусусида фикрлашмоқда.**

**Нурмамат АЛМУРОД олган сурат.**

Заҳириддин Бобур таваллудининг 519 йиллиги

**Ўзбек халқининг бой илмий-адабий мероси жаҳоний даражага кўтарилишида кўпгина улуғ алломалар қатори Заҳириддин Муҳаммад Умаршайх мирзо ўғли Бобурнинг ҳам муносиб ўрни бор. Унинг ёрқин шахсий ва ижодий фаолияти, давлат, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги катта мавқеи авлодлар томонидан эҳтиром билан хотирлаб келинмоқда.**

**Бобур ва унинг кўп қиррали фаолияти ҳақида Муҳаммад Солиҳ, Хондамир, Гулбаданбегим каби замондош ва авлодлари дастлабки маълумотларни ёзиб қолдирганлар.**

**Унинг асарларини нашр этиш ва ўрганиш борасида Шарқу Ғарбнинг қатор олимлари салмоқли ишларни амалга оширишган.**



# «ЯХШИ КИШИ КЎРМАГАЙ ЁМОНЛИҒ ҲАРГИЗ»

Бўлажак истеъдодли давлат арбоби, иқтидорли шоир ва адиб Бобур 1483 йилнинг 14 февралида Андижонда, Фарғона вилоятининг ҳукмдори Умаршайх мирзо ва Қутлуғ Нигорхоним оиласида дунёга келди.

«Бобурнома»да ўз аждодларига оид қизиқарли маълумотларни ёзиб қолдирган Бобур отаси ҳақида «...равон саводи бор эди. «Хамсатайн» ва маснавий китобларни ва тарихларни ўқуб эди. Аксар «Шоҳнома» ўқур эди. Таъби назми бор эди, вале шеърға парво қилмас эди», деб таъкидлайди.

Маърифатли ҳукмдор Умаршайх мирзо, шубҳасиз, ўғлининг таълим-тарбиясига катта аҳамият беради. Унинг тўсатдан вафот этиши Заҳириддинни давлат, эл-юрт ташвишлари билан ёшлигидан банд бўлишга мажбур қилди. Ўн бир-ўн икки ёшида подшоҳлик тожини кийди. Унинг кейинги фаолиятида отасининг яқинларидан Шайх Мазидбек, Бобоқулбеклар бек-атка сифатида муҳим роль ўйнайдилар.

Бобурнинг қисқа ҳаёти (атиги 47 йил) уруш-жанжаллар орасида, гоҳ хурсандчиликда, гоҳ чексиз ғам-аламлар гирдобида ўтди. Чиндан ҳам у яшаб ижод этган замон Мовароуннаҳр ва Хуросон тарихида ғоят зиддиятли бир давр эди. Бир томондан улуғ Амир Темур асос солган, нисбатан марказлашган давлат, унинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётга кўрсатган ижобий таъсири билан характерланса, иккинчи томондан, ана шу қудратли империянинг инқирозга юз тутиши туфайли ўзаро тожтахт учун курашлар эл-юртнинг иқтисодий-сиёсий ва маданий ҳаётига, шубҳасиз, салбий таъсир кўрсатди.

Ана шу шароитда ёш Бобур бир неча марта Самарқандни қўлга киритиб, унинг шуҳратини кўтариш мақсадида Султон Али мирзо, Бойсунғур Мирзо, Шайбонийхонлар билан курашди, гоҳ енгди, гоҳ енгилди. Бир дафъа Самарқандни олганида уни қутлаб Ҳиротдан Алишер Навоий мактуб йўллаган эди. Бироқ амиру беклар орасидаги парокандалик унинг бир жойда муқим ҳукмдор бўлишига имкон бермасди.

Бобур нақадар серташвиш, нотинч ҳаёт кечиришига қарамай, ўз даврига нисбатан етук билим олиб, йирик бадиий ва чуқур мазмунли илмий асарлар ижодкори даражасига кўтарилди. У 16-17 ёшларидан ижод қила бошлаган. Унинг «Мубаййин», «Волидиййа» каби асарларидаги маълумотлар араб тилини ҳам пухта билганлигидан далолат беради.

Бобур адабий меросининг катта қисмини лирик шеърлар ташкил этади. Унинг ғазалларидаги тематик рангбарангликни кўздан кечирар эканмиз, уларда оптимистик туйғу билан суғорилган, инсоннинг шоду хуррамлиги билан боғлиқ кўтаринки ҳолатларни англаймиз. Шунинг учун ҳам шоир ижодининг характерли хусусиятлари ҳақида фикр юритар экан, академик Воҳид Зоҳидов «Бобур ҳаммадан аввал ўз ижодиётининг прогрессив фикрлари билан бизга қадрлидир», деб ёзганди.

Бобурнинг ғазал, маснавий ва рубоийларида ёр, диёр, ватан мавзуи катта ўрин тутади. У она юртидан йироқда бўлса ҳам, ўзи туғилиб ўсган тупроққа, ватанига бўлган муҳаббат, унга етишиш орзуси билан яшайди.

Бобурдан бизга «Бобурнома», «Хатти Бобурий», «Муфассал», «Мубаййин», ҳарб иши, мусиқа илмига оид қатор илмий-бадиий асарлар мерос бўлиб қолган. Афсуски, уларнинг айримлари бизгача етиб келган эмас.

Шоирнинг қомусий характердаги йирик насрий асари — «Бобурнома» жаҳон адабиётининг нодир намунаси сифатида унинг шуҳратини кенг ёйди. Ушбу асарида муаллиф ўз даврининг тарихий-жуғрофий билимлари асосида атроф-муҳит, улардаги ноёб қурилиш, тоғ-тошлар, табиий-экологик масалалар, айниқса ўз замондошлари Ҳусайн Бойқаро, Алишер Навоий, Камолиддин Беҳзод ва бошқалар, шунингдек ўз ота-она аждодлари ҳақида қимматли маълумотлар келтиради. Асар ўтмишнинг бадиий-насрий намунаси сифатида ҳам катта аҳамиятга эга.

Тарихда шоҳ ва шоир номи билан машҳур бўлган Бобур асарларининг қиммати бугунги кунда ҳам бағоят қадрлидир. Шунинг учун ҳам инглиз ёзувчиси Вильям Эрскин у ҳақда «Алқисса, Осиё тарихини кўздан кечирсак, ҳақиқатан ҳам, бирон-бир шаҳзода Бобурчалик ҳар томонлама бузрук эмас эди. Ақл теранлигида, саросима пайтлари шовқин-суронларга босиқлик билан жавоб беришда, руҳан шикастланмаганлигида, мулкни одамгарчилик ва ҳамият юзасидан тақсимлашда, яхши ва ёмонни ажратишда, номалар ва уларни қайта кўриб чиқишга бўлган иштиёқмандликда осиёлик шаҳзодаларнинг ҳеч бири унга тенг кела олмайди», деб ёзганида минг бора ҳақ эди.

**Ҳасанхўжа МУҲАММАДХЎЖАЕВ,**
**доцент.**
**Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Унутмоқ керак

### Бобур ғазалига мухаммас

*Бошда ёрни сабр ила кутмоқ керак,*
*Лозим эрса, қонларам ютмоқ керак...*
*Гар унутса, келмаса нетмоқ керак?*
*Ўзни, кўнгул, айш ила тутмоқ керак,*
*Бизни унутқанни унутмоқ керак.*

*Бу ҳаёт фаносиға урғу бериб,*
*Ҳар кунингға мангулик орзу бериб,*
*Сўнгра унга қўш қанот, парқу бериб,*
*Айшу тороб гулбуниға сув бериб,*
*Ғусса ниҳолини қурутмоқ керак.*

*Ёр агар айёр илаки хўб турур,*
*Борлиғингда рашк ўтини кўптирур,*
*Сол Худога — ўтни сувга чўктирур,*
*Ҳар нимага ғам ема, ғам кўп турур,*
*Айш илаким ўзни овутмоқ керак.*



*Бир вафосиз ёр аламидин, кўнгул,*
*Юз ўгирма дил ҳамдамидин, кўнгул,*
*Излама нур зуҳд қадамидин, кўнгул,*
*Тийра дурур зуҳди дамидин кўнгул,*
*Ишқ ўти бирла ёрутмоқ керак.*

*Миразиз Аъзам, узоқ бўлма малул,*
*Бу гулистонда серобмиш турфа гул,*
*Қийнамасин хотирингни таҳайюл,*
*Қўйма машаққат аро, Бобур, кўнгул,*
*Ўзни фароғат била тутмоқ керак.*

**Миразиз АЪЗАМ.**

Пири бадавлатларимиз

# «Менинг кимлигимни эл билса дейман»

Ҳар йили 9 майда бувамнинг кўнгли қаттиқ ўксийди. «Алиқулуп, Шермат, Бойназар, ҳатто анови найнов Бердимуродгача йўқлашади. Эҳ-ҳе, уларни райкумга чақирмоқ, қўша-қўша медал бермоқ, томошаларга юбормоқ, аэроплан, поезд, анови ўзимизни Косон-Қаршига қатнайдиган автобусдаям бепул юришади аканг қарағайлар. Пухталик қилиб ҳаммасини ҳужжатлаштиришган экан. Ишлабмизу, шунга қунт қилмабмиз. Ким билибди, бундай яхши замонлар келиб, қилган меҳнатларинг суриштирилишини, шунга яраша иззат-ҳурмат кўрсатилишини. Мана энди сафдан қолиб ўтирибман. Гўё менинг фрунт орқасида меҳнат қилганлигим ҳақида ҳеч қандай ҳужжат йўқ эмиш».

Бувам шунчалик куйиниб гапирардиларки, рости, бу адолатсизликдан хафа бўлиб кетардим. Наҳот бутун бир асрлик тарихни бошидан кечирган тирик гувоҳдан ҳам кўра жонсиз қоғозлар ишончлироқ бўлса...

**Ана шундай бир армон билан яшаётган бувам бугун 96 ёшга кирдилар. 2002 йил Юртбошимиз томонидан Қарияларни қадрлаш йили, деб эълон қилинганини эшитганимда беихтиёр кўнглимга бир орзиқиш инди. Бувамни эсладим...**

— Бува, эшитдингизми, бу йил Қарияларни қадрлаш йили, деб эълон қилинди.

Гўё шу хабар билан бувамнинг кўнглидаги ғуборларни тарқатиб юборадигандек суюнчи оламан. Бувам қўлларини қулоқларига олиб бориб, «нима дединг», дейдилар. Момом гапларимни қаттиқроқ овозда такрорлайдилар.

— Бизни иззат қилганни худо иззат қилсин, — дейди бувам миннатдор бир оҳангда. — Раҳбаримиз кўп яхши ишларни қиляпти-да. Илоҳо, эл бошига ҳамиша омон бўлсин. Бало-қазолардан Яратганнинг ўзи асрасин.

Бувам қўлларини ёзиб, узундан-узун дуо ўқийдилар. Томирлари бўртиб-бўртиб чиққан қўлларига қараб бир вақтлар қанчалар бақувват бўлганини тасаввур қиламан. Шу қўллар билан бувам 5 суткалаб дам олмай омоч тортган, қўш ҳайдаган, юк ортган.

— Фрунтга эшелон-эшелон юк жўнатар эдик, — дея ўша йилларни хотирлайди бувам. — Очнаҳор, ҳолдан тойгунча ишлардик.

О, менинг боладайин хокисоргина буважоним. Сиз нафақат эл-юрт учун меҳнат қилдингиз, фариштагина момом билан оқил, заҳматкаш, меҳр-оқибатли 6 фарзандни оқ ювиб, оқ тараб элга қўшдингиз. 70 невара, 70 чевара бугун сиздан андоза олишаяпти. Юртнинг муқаддаслигию, ноннинг қадрини, тупроқнинг исини қон-қонимизга сингдирган сиз эмасми?

— У кунларни бизлар кўрдик, сизлар кўрманглар. Бир парча қора нон учун момонг куни бўйи навбатда турар эди. Одамлар очликдан кунжара еган пайтлар бўлди. Қора тори, так-так деган донли ўсимликларни териб, нон қилиб едик. Қишнинг изғиринли кунларида устимиз юпун, далада ишладик. Азобнинг борини тотганмиз. Бугун-чи? Ҳамма шарт-шароит бор. Фақат ишлаш керак. Ҳисобини топган яхши яшаяпти. Қўша-қўша ҳовли-жой, мошина. Яшасин ҳукумат, қарию ёш иззат-икромда. У вақтлар пенсия қаердайди. Қариб, қўлимиздан иш келмай қолганда давлат боқаяпти. Бунинг устига мана энди қарияларни эъзозлаш керак, деяпти. Бунда маъни кўп, бўтам. Бир армоним бор, — бувам чуқур хўрсиниб, гапида давом этади. — Биз қарияларга фарзандимиздан ҳам ортиқ ғамхўрлик кўрсатиб элнинг бошини силаганни бир кўрсам эди. Елкаларига қоқиб, омонлик тиласам, дуо қилсам, хумордан чиқардим-да.

Бувамнинг нурсиз кўзларида ёш кўрдим. Бу меҳр, миннатдорчилик ёшлари эди.

Орага тушган сукунатни момом бузади:

— Яхшиям, пешанамизга шундай уддабурон, доно, зукко Юртбоши битди. Худога минг қатла шукур, ҳамма бало-қазолардан бизни омон сақлаб келаяпти. Невара-чевараларимиз бахтига юртимиз ҳамиша тинч бўлсин.

— Айтганинг келсин, кампир, — дейди бироз ўзини тутиб олган бувам.

Менинг ғамхўргина, беозоргина, ғаниматгина буважоним. Айтар сўзларингиз жуда кўп. Биламан, ёнингизда кўпроқ бўлишимни хоҳлайсиз, зериктириб қўймадимми, дегандек ҳадиксираб қараб қўясиз. Сиз ўқилмаган бебаҳо ҳикматли бир китобсиз. Ҳар доимгидек шошаётганимни сезасиз, дуога қўл очасиз.

**«Илоҳо омин. Юртимиз тинч, дастурхонимиз тўкин бўлсин. Элдан барака аримасин. Бола-чақанг билан тўрт кўз тугал юргин. Топганинг тўйларга буюрсин. Балою-офатлардан Яратган эгамнинг ўзи асрасин».**

Дуоларингиз юртни, элни қўлласин, пирибадавлатим бувам.

**Санобар БОЙМУРОДОВА,**
**журналист.**

## «Бўйдоқлар» ғолиб чиқди

*Урганчдаги Огаҳий номли театрда "Қувноқлар ва зукколар" республика телевизион кўрик-танловининг ҳудудий босқичи бўлиб ўтди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, "Камолот" ижтимоий ёшлар ҳаракати ва Ўзбекистон телерадиокомпанияси томонидан ташкил этилган ушбу танловда Урганчдаги Ал-Хоразмий номидаги университетнинг "Бўйдоқлар" жамоаси вакиллари ғолиб чиқди ва кўрик-танловнинг ярим финалида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.*

**(ЎзА).**

## Чувалчанг — деҳқон мададкори

**Абдурауф Давронов Самарқанд туманининг тажрибали деҳқонларидан. Айни пайтда «Миришкор» фермер хўжалигининг раҳбари. 60 гектар экин майдонига эга. Унинг 2 гектарида иссиқхона ҳам ташкил этган. 60 та қорамоли бор.**

**Тадбиркор шуларнинг ўзи билангина чегараланиб қолаётгани йўқ. Ўтган йилдан бошлаб ернинг чиринди қатламини оширишга хизмат қилувчи чувалчангларни кўпайтиришга киришди. Бу машғулотга у Тошкент вилоятида бўлиб, биогумус етиштириш тажрибаси билан танишгач, қизиқиб қолган эди.**

**— Чувалчанг тупроқнинг чинакам «табиби» экан, — дейди тадбиркор. — Шу туфайли уни ўз хўжалигимда кўпайтиришга аҳд қилдим. Айни пайтда йилига 400 тонна чувалчангли гўнг (биогумус) етиштириш имконияти бор. Чувалчанг тупроқ таркибини бойитиши тажрибадан маълум. Шу ҳисобдан анчагина қўшимча даромад олиш мумкин.**

**А. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Соғлом она — соғлом бола

# Мақсадли дастурга таклифлар

Республика Вазирлар Маҳкамасининг яқинда қабул қилинган «Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлиғини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида оилаларни соғломлаштириш масаласи устувор йўналиш сифатида яна бир бор тилга олинди. Жойларда юксак тиббий маданиятни шакллантириш, аёллар соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом фарзанд туғилиши ва уларни тарбиялаш учун шароитлар яратиш мазкур ҳужжатдан кўзланган асосий мақсаддир. Жумладан, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг Наманган минтақавий филиалида бўлган киши мазкур қарор талаблари юзасидан амалий ишлар бошлаб юборилганини сезиб олиши қийин эмас.

Жамғарма филиали аёллар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқий билим ва тиббий маданиятни юксалтириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш бўйича кенг фаолият юритмоқда. Ана шу йўналишда турар-жойларда ташкил этилаётган учрашув ва суҳбатлар самараси сезиларли бўлаётир. Наманган туманидаги Охунбобоев номли, Ирвадон қишлоқларидаги тадбирлар чоғида 825 нафар хотин-қиз ва болалар тиббий кўрикдан ўтказилди. Кам таъминланган оилаларга бепул дори-дармон, гигиена воситалари тарқатилди. Тиббий патронаж бригадаси вилоятнинг энг чекка қишлоқларигача етиб боряпти.

— Қарорда жамғармамиз зиммасига қатор вазифалар юклатилган, — дейди минтақавий филиал директори Дилбархон Зоҳидова. — Шундан келиб чиқиб, ушбу ҳужжат ижроси юзасидан белгиланадиган вилоят мақсадли дастурига таклифларимизни бердик. Улар орасида Чортоқ болалар сиҳатгоҳини тўла қайта таъмирлаш ва қайта жиҳозлаш, Давлатобод туманидаги болалар соғломлаштириш масканини кичкинтойлар ногиронлигининг олдини олиш ва реабилитация қилиш марказига айлантириш сингари тадбирлар бўлиб, бу ишларга катта эътибор қаратиш кўзда тутиляпти.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Юртимизда истиқомат қилаётган барча муътабар отахон ва онахонлар диққатига!

Республикамизнинг энг йирик ва нуфузли банкларидан бири — Акциядорлик тижорат

«Пахта Банк»

2002 йил 11 февралдан 1 июлга қадар бир йил муддатга қабул қилиниб, омонат миқдорига мутаносиб равишда йиллик 40 фоиздан 50 фоизгача даромад тўланадиган янги, манфаатли ва қулай бўлган "Қариялар қадр-қиммати" жамғарма омонат турини таклиф этади.

Сиз ушбу омонатга бўш пул маблағларингизни "Пахта Банк"нинг исталган бўлимида қўйишингиз ва омонат шартларига кўра фоизли даромадингизни ҳар ойда олиб боришингиз мумкин.

Тўлиқ маълумот учун телефонлар:
78-10-32, 173-25-56.

"Пахта Банк" сизларга соғлиқ, хуш кайфият ва оилавий қувонч тилайди!



«Пахта Банк» — фаровонлигингиз калитидир!

СТОПТУССИН
БИЗ УЧУН ЙЎТАЛ ҚЎРҚИНЧЛИ ЭМАС

■ СТОПТУССИН ТОМЧИЛАБ ИЧИЛАДИГАН
■ СТОПТУССИН ТАБЛЕТКАЛАРДА
■ СТОПТУССИН -ФИТО




Galena

Рўйхатдан ўтган Б-8-242 №2980
Б-250-95 №30001
Б-250-95 №29901

